




# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 9 июл, чоршанба № 105-106 (1531)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 июл кuni Оксаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Нидерландия Кириллиги ташқи ишлар вазири Яап де Хуп Схефферни қабул қилди.**

Сўхбат чоғида юртимизда амалга оширилаётган исло-

ҳотлар, жумладан, иқтисодий-даги ўзгаришлар, нодавлат ташкилотларнинг фаолияти учун яратилаётган кенг шарт-шароит, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга оид масалалар борасида фикр алмашилди.

Томонлар Ўзбекистонда мазкур йўналишларда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилган,

келажакда бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш имкониятлари мавжудлигини таъкидлади.

Учрашувда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик, миллий айирмачилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ЕХХТ билан ҳамкор-

ликни янада кенгайтириш, тезкор ахборот алмашувини тақомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Музокарада, шунингдек, Ўзбекистоннинг Нидерландия билан ҳамкорлигини ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## «ЎЗАВТОҚОЗОГИСТОН» - ҚАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МЕВАСИ

**Кuni кеча Алматы шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида мамлакатларимиз минтақа миқёсида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида янгидан-янги имкониятлардан унумли фойдаланётгани яна бир бор эътироф этилди.**

Президентимиз Ислам Каримовнинг Қозоғистонга ташрифи ва ушбу минтақавий анжумандаги иштирокини, умуман, саммит якунларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида бу ерга келган бир гуруҳ ўзбекистонлик журналистлар ана шу ҳамкорликнинг амалий натижаларига деярли ҳар қадамда дуч келдик, десак муболага эмас.

Алматининг марказий ва гавжум кўчаларидан бирида юртимизда ишлаб чиқариладиган «Нексия», «Матиз», «Дамас», «Тико» каби машиналари-

мизни қардошларимизга нафақат кўз-кўз қилаётган, балки харид учун қулай ва қафолатли шарт-шароит яратиб бераётган «ЎзАвтоҚозоғистон» қўшма корхонаси ана шундай ҳамкорлигимизга бир мисол - иқтисодий алоқаларимизнинг мўъжаз меvasидир.

Яқинда иш бошлаган ушбу қўшма корхона «Ўзавтосаноат» ассоциацияси ва Қозоғистоннинг «Меркур» холдинги компанияси ўртасидаги икки йиллик ўзаро саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ ташкил этилган. У, асосан, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг барча русумдаги автомобиллари, шунингдек, «Ўзотойўл» мидибуслари, яъни кичик автобуслари савдоси билан шуғулланади.

Айтиш жоизки, «Меркур» холдинги компанияси дунёнинг «Фольксваген», «Ауди», «Вольво», «Форд» каби номдор фирмалари билан яхши алоқа боғлаган ва Қозоғистон бозорига уларнинг маҳсулотлари савдосини муваффақият билан йўлга қўйган йирик дистрибутор, соддароқ айтганда, ўз ишининг кўзини биладиган ташкилот ҳисобланади.

«ЎзАвтоҚозоғистон» қўшма корхонаси тижорат директори Арслон Хайровнинг гапларига қараганда, «ЎзДЭУавто» автомобиллари, аввало, юксак сифати, замонавий дизайни, қулай нархи билан хари-

доригир бўлиб, ўз бозорини тез топади. Ўзбек автомобилсозлари маҳсулотларининг ана шу афзалликлари, албатта, нуфузли ва бозориги товарлар савдоси борасида муайян тажрибага эга «Меркур» компанияси мутахассисла-

ри бораётганидан мамнунмиз.

Бундан ташқари, ҳозирга қадар Самарқанддаги автозаводимиз - «СамКочАвто»нинг йиғирмадан зиёд «Ўзотойўл» мидибуслари Алматы шаҳри атрофидаги йўналишларда йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Ўзбекистонлик вакил - «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бош директори

Ўринбосари А.Олимжоновнинг айтишича, «ЎзАвтоҚозоғистон» қўшма корхонасини ташкил этиш билан боғлиқ икки йиллик давр мобайнида қозоғистонлик ҳамкорлар билан биргаликда бу ерда икки юздан ортиқ автомобилмиз сотилган.

Қўшни мамлакатда машиналаримиз бозори тобора кенгаётгани кишини қувонтиради. Айтайлик, «Дамас»нинг тadbиркор ва ишбилармон қардошларимиз алақачон беҳимнат дастёр деб билса, «Матиз» қозоғистонлик ёшларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг севимли улловига айлана борапти.

«ЎзАвтоҚозоғистон», айни чоғда, фақат машиналаримиз савдоси билангина чекланиб қолмоқчи эмас. Қўшма корхона ўз мижозларига сифатли ва қафолатли сервис хизматлари қўрсатиш, автомобил эътиёт қисмлари савдосини ташкил этиш жабҳасида ҳам жадал иш олиб бораётди. Яқин истиқболда бу ерда барпо этиладиган йирик сервис маркази ва замонавий автосалон ана шу эзгу ниятларни рўйбга чиқаришга ишончимиз комил.

Фулom МИРЗО, ЎЗА махсус мухбири



ЎЗАВТОҚОЗОГИСТОН

## ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАРДАН СЎРАНГ

Сув бормоқ - савоб, деб бежиз айтишмаган. Мана неча йилдирки Тўпаланг-Қоратог каналлар бошқармаси Сурхон воҳасининг экин майдонларини суғоришга беқиёс ҳисса қўшиб келаётди. Гўё ҳаммаси шундай бўлиши керакдек, кўпда бунга аҳамият бермаймиз ҳам. Лекин бободехқон бундай ўйламайди. Ҳар томчисини қалбидан оқизиб ўтказди у. «Зар қадрини заргар билади» деб шунга айтдилар-да. Бу айниқса, вилоятнинг Бандихон, Қизирқ ва Бойсун кўл ҳамда тоғли туманларида яққол қўзга ташланади.

Бугунги кунда бошқарма миз вилоятнинг 8 та туманига, 500 км масофага қўзилган каттаю-кичик каналлар орқали оби-хаёт улашмоқда, - дейди бошқарма бошлиғи техника фанлар номзоди Юлдош Раҳимов. - 140 минг гектар ер майдонига сув етказиб беришни бир тасаввур қилинг-а. Ҳаммаси рисоладагидек бўлмаса бўлмайди. Бир кун кечикиб суғорилган пахта майдонига 10-15 фоиз ҳосил нобуд бўлади, ахир. Ана шундай масъулият оқлатилган зимамизга. Зеро, сув тақсимотида ҳушёрликни бир зумга бўлсин бўшаптирмиш кўлаб ҳунук оқибатларга олиб келишини яхши биламиз.

Бошқарма ҳар йили тасарруфидоги каналларни таъмирлаш ва тозалаш ишларига жиддий эътибор бе-

раётгани, бу ишларни бекаму-кўст адо этиб келаётгани ҳам шу боис. Улар ҳисобида 27 та қазиб тракторлари мавжуд. Шундан 11 таси яқиндагина олинган янги техникалардир.

Яқинда янги бир ишга қўл урилди. Ҳазарбоғ каналини бошқариш тизимини компютерлаштириш учун кўрғазмали иш бошланди. Американинг «USAID» ташкилоти ёрдамга келди.

Бошқармада 400га яқин киши меҳнат қилмоқда. Улар алоҳида илтимой ҳимояси билан қўраб олинган. Айниқса, кейинги йилларда ишловчиларга қулай шароит яратиш, меҳнат муҳофазасига оғишмай амал қилиш, қонунда белгиланган қафолат ва имтиёзларни яратишга эътибор янада қўнайтирилди. Ойлик маошлар шунга яраша муттасил равишда ортиб бормоқда.

Жамоа шартномасига кўра, ҳар олти ойда ходимларимиз тиббий қўриқдан ўтказилади. Улар сут-қатик, махсус иш кийими билан узлуксиз таъминланмоқда, - дейди бошқарма касаба уюшма кўмитаси раиси Абдухалик Бегматов. - Шу йилнинг ўзида 6 нафар ходимимиз санаторийларда ўз соғлигини тиклади. Ишловчиларимизнинг 15 нафар болалари эса «Сина» болалар оромгоҳида ҳозирда бепул дам олишмоқда.

Маъмурият билан касаба уюшма



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҳамкорлигида байрам тadbирлари кўнгилдагидек ўтказиш йўлга қўйилган. Улар кураш, футбол, шохмат ва шашка спорт мусобақаларисиз ўтмайди. Фолиблар муносиб тақдирланмоқда. Энг муҳими, шу тариқа ахил жамоа юзга келмоқда.

Бошқармада кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган Яхшибой Холмуродов, Салим Жўраев, Ойбек Юлдошев ва Фотима Жўраевалар ўз касбини моҳир мутахассислари сифатида ёшларга ўрнак бўлишмоқда.

Ешлар - келажакимиз, - дейди Яхшибой ака. - Улар биздан ҳам яхшироқ шароитда, биздан-да яхшироқ ишлашлари керак.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири

Иброҳим ота Имомовни нафақат Пахтакор туманида, балки Жиззах вилоятида ҳам кўпчилик яхши танийди. Ешлик куч-гайратини чўлни ўзлаштиришга сарфлаган бу миришкор деҳқон фермерликка ҳам биринчилардан бўлиб қўл урганлардан. Ота раҳбарлик қилаётган «Сартюзи» фермер хўжалиғи ҳар йили ғалладан юқори ҳосил олади. Бу йил ҳам ҳар гектар майдондан 62 центнердан ҳосил олиб, шартнома режасини биринчилардан бўлиб бажарди. Иброҳим отанинг эл-юрт орасидаги ҳурмати фақат миришкор деҳқонлиғи эмас, ажойиб шоғирдлари боис ҳамдир.

## БАРАКАЛИ ХИРМОН

Бугунги кунда чўлнинг ўзига хос мураккаб шароитида ғалла ва пахтадан юқори ҳосил етиштириб келаётган фермерларнинг, кўпчилигига Иброҳим Имомов устозлик қилган. «Анвар-А» фермер хўжалиғи раиси Анорбой Шаматов ҳам Иброҳим ота таълимини олган деҳқонлардан. Ҳозир ҳам устоз билан бамаслаҳат иш тутаяди. Қўзда устозу шоғирд Пахтакор механика таъмирлаш корхонасидан шерикликда «Олтой» трактори сотиб олиб, шудгорни оби тобида ўтказганди.

Анорбой ҳам 40 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олди. Иброҳим отанинг шоғирдларидан яна бири Шомурод Усаров бошлиқ «Бекзод» фермер хўжалиғи хирмони янада баракали бўлди. Фермер 66 гектар ғаллазорининг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил олиб, чўл шароитида рекорд кўрсаткичга эришди.

Бу фермерликнинг самараси, дейди Иброҳим ота Имомов. - Туманимизда ҳайдаладиган ерлар тулик фермерлар иктирибди. Демак, халқнинг қўлида. Турғи, чўлда деҳқончилик қилиш осон эмас. Аммо кишиларда мулка, ерга меҳр уйғонди. Бу фаровонлик калитидур. Ҳосил ҳам меҳнатимизга, ниятимизга яраша бўлаяпти.

(ЎЗА)

## Ислоҳот мевалари КОНИ ФОЙДА

**Қарши муҳандислик иқтисодий институтининг агрономия кафедраси ҳузурда суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш ва мўл ҳосил етиштиришга кўмаклашувчи «Агроталим» ўқув илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди.**

Марказнинг асосий вазифаси ўза ва суғориладиган майдонлардаги бошқариш ва таъмирлаш ишлари билан бирга тингловчиларни илғор технологиялар буйича қўллаш ва таъминномалар билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, институтнинг иқтисодий факультети қошида «Агроинтисод», агромуҳандислик факультетида «Агроинженерия» ўқув илмий-ишлаб чиқариш марказларини ҳам ташкил этиш режалаштирилган. Марказларнинг тингловчилари ўқув якунида олган билимларини тасдиқловчи сертификатга эга бўлади.

Туман ғаллакорлари янги хирмон салмоғини 50 минг тоннадан оширишни кўзламоқда. Улар уруғлик дон тайёрлаш борасидаги режани ҳам ошири билан адо этди.

## ҚАРШИЛИКЛАР МАРРАДА

Қарши тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажарди. Қабул пунктларига 32 минг 940 тоннадан зиёд дон етказиб берилди.



Туман ғаллакорлари янги хирмон салмоғини 50 минг тоннадан оширишни кўзламоқда. Улар уруғлик дон тайёрлаш борасидаги режани ҳам ошири билан адо этди.



ЎЗАВТОҚОЗОГИСТОН

## ФЕРМЕРНИНГ УН ЗАВОДИ

Мирзачўл туманидаги «Ғалаба» фермер хўжалигида кунига 50 тоннагача ун ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди.

Тadbиркор Холиқул Эргашев Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 211 минг АҚШ доллари миқдорда кредит олиб, Россиянинг «Мелинвест» акциядорлик жамиятидан ун ишлаб

чиқарадиган линия сотиб олди. «Ғалаба» фермер хўжалиғи ун корхонасининг синов тариқасида ишлаб чиқарган даслабки 40 тонна маҳсулоти истеъмолчиларга етказиб берилди. Илк маҳсулотнинг ўн тоннаси қишлоқдаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳиммага муҳтож оилаларга хайрия қилинди.

(ЎЗА)

11 июл кuni Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг IV Қурултойи ўз ишини бошлайди. Анжуман иштирокчиларини самимий қўтлаймиз!

Тадбиркорлик — давр талаби



ШОВОТДА ҚАЙТА ИШЛАШ ЦЕХИ

Шовот туманидаги «Дустлик» ширкат ҳужалиги вилоятда иқтисодий ривожланган ширкатлардан саналади. Ҳужаликдаги «Ижтимоият» фуқаролар йиғини худудидаги мавжуд 1911 та оилада 13 мингдан орттиқ аҳоли яшайди. 750 ўринга мўлжалланган клуб, шинамгина бозор, замонавий жиҳозланган супермаркет, 4 та жойда сарта-рошхона аҳоли хизматида.

Ширкат ҳужалиги бошқарув раиси Уктамбой Қурбонов асли деҳқон боласи. Уктамбой ҳам ота изидан бориб, шу соҳани танлаб хато қилмади. Мавжуд майдонларнинг 900 гектарига пахта, 270 гектарига галла, 60 гектарига шоли ва бошқа оралиқ экинлар экилди. Айни кунларда далаларда иш қилинган. 14 та суриш, 27 та чопиқ тракторлари, 10 та юк ташувчи транспорт жамоа аъзоларининг оғирини енгил қилмоқда. 1112 нафар пудратчи ўзларига биркирилган ерларга вақтида ишлов бериб, мўл хосил олиш учун ҳаракат қилишмоқда.

Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири

Суратда: илгор ишчи Санамжон Худойберганаева. Ф.ХИДИРОВ олган сурат

«ОЛОТТЕКС»: 80 ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

Бухорода фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Вилоятнинг энг чекка ва олис ҳудудларидан бири - Олот тумани марказида «Олоттекс» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси иш бошлади.

Бундан икки йил муқаддам «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг Олот тўқув фабрикаси негизида қўшма корхона барпо этишга киришилган эди, - деди ЎЗА мухбири билан сўхбатда «Олоттекс» қўшма корхонаси бош директори Жуманазар Абдуназаров. Уша пайтда чет элдан фақат тўқув линиясини сотиб олиш мўлжалланганди, холос. Лекин ўйлаб қарасак, бир йўла йиғирув ва тўқув дастгоҳларини сотиб олиб, ип йиғириш ва мато тўқишни йўлга қўйсақ, иқтисодий ривожланиш учун яхши имкониятлар очилар экан. Шу боис Швейцариянинг «Виматекс Интер СА» фирмаси билан йиғирув-тўқув операцияларини бажарадиган қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Кўшма корхонанинг қўшма корхонанинг умумий қиймати 9 миллион 402 минг АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 4 миллион 902 минг доллар қўшма корхонанинг устас фондидир. Устав фондига «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти 49 фоиз, хориз фирмаси эса 51 фоиз улуш қўшди. 4,5 миллион доллар маблағ эса «Асакабанк» орқали Европа Тиланиш ва Тараққиёт Банкидан олинди. Ушбу кредит ҳисобига Европанинг енгил саноат тараққиётган мамлакатлари фирма ва компаниялардан замонавий йиғирув, тўқув дастгоҳлари, совутгич ва филтёрлаш, лаборатория ускуналари келтирилди. Қўшма корхонанинг барпо этишда Германиянинг «Тручлер», «ЛТД», Швейцариянинг «Устер», «Бенингер», Чехиянинг «Элитекс» фирмалари фаол иштирок этди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

лариди малака ошириб келди. Қўшма корхонанинг фойдаланишга топширилишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов, Бухоро вилоят ҳокими С.Хусенов, Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Факултети ва муҳтор элчиси В.Майер иштирок этди.

(ЎЗА)

ҲИММАТ

Фориш тумани марказидаги деҳқон бозори маъмурияти кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари хатна тўйини ўтказишга ҳоимлик қилишди.

Сарвонтепа қишлоғига киришингиз билан табиатнинг меҳри оғушида қоласиз. Фарғона каналининг шўх ирмоғи бу ерларнинг гўзаллигини ҳикоя сўзлаётгандай шовқин билан оқади. Мева-ди ва манзарали дарахлардан яралган кўм-кўк боғ, унинг бағридаги гулу гулзорлардан дилин-боғ равшан тортади.

Шуларни томоша қилиб, «Шифокор» болалар оромгоҳи бу ерда беҳиж оқилмаганига ишонч ҳис қиласиз. Узингизни болалар шарҳасида юргандек сезасиз. Футбол ўйини оғушидан майдонда тўп сураётган болаларнинг шодон ҳайқирликлари бир зум тинмайди.

ТОЗА ҲАВО, ТИНИК СУВ ЖОН РОҲАТИ

да иш юритмоқдалар. Масалан, Марказий Қўшма 5 миллион сўмлик пул маблағларини ҳисобдан оромгоҳ учун юмшак ва қаттиқ мебеллар харид қилиниб, хоналар шинам халтачалари, қўллариди чўқморчалар. Биласқ, улар ҳаваскор альпинистлар экан. Ошхона томонидан мазали таомнинг тотли бўйи димоққа урилди.

Оромгоҳда 300 нафар ёшларни дам олдириш мўлжалланган. Дам олувчи соғлиқни сақлаш ходимларининг ўғил-қизлариди. 2003 йилги ёз мавсумида фарзандларимизнинг мароқли хордиқ чиқаришлари учун Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Марказий Қўшма касабаси уюшмалари вилоят Кенгаши ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари вилоят тармок қўмитаси ҳамкорлик

Ёзги соғломлаштириш

ланган оилаларнинг фарзандларига тарқатилди. Бу йил мавсум давомида юз нафар ўғил-қизларнинг касабаси уюшма ҳамда ижтимоий сурғурта маблағлари ҳисобидан дам олдирилган оилаларнинг фарзандларига тарқатилди. Бу йил мавсум давомида юз нафар ўғил-қизларнинг касабаси уюшма ҳамда ижтимоий сурғурта маблағлари ҳисобидан дам олдирилган оилаларнинг фарзандларига тарқатилди. Бу йил мавсум давомида юз нафар ўғил-қизларнинг касабаси уюшма ҳамда ижтимоий сурғурта маблағлари ҳисобидан дам олдирилган оилаларнинг фарзандларига тарқатилди.

Ижтимоий ҳимоя

Абдусалом Маматқулловни кўпчилик меҳнатсевар ва жонқуяр инсон сифатида яхши билишди. У киши иш фаолиятини дастлаб Ўзбекистон туманидаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида оддий ишчилардан бошлади. Жамоада илғорлиги, ташаббускорлиги ва касбдошларига бўлган ҳурмати билан эътибор қозонди. Ушбу ҳислатлари боис, 1997 йилда корхона касабаси уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланди. Айни пайтда жамият ишчи-хизматчиларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда жонбозлик кўрсатмоқда.

КАЙФИЯТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Ҳар бир ишловчининг кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи ҳамма нарсадан устун туради. Зеро, бу ерда яратилган барча қулайликлар улар манфаати йўлида хизмат қилмоқда. Корхонада 710 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилиб, улардан 200 нафарга яқини аёлларни ташкил этади. Энг муҳими, жамоадагилар бир-биринга меҳрибон, аҳил ва инок.

Долзарб мавзу

ҚУРУҚ ПАНД-НАСИҲАТ САМАРАСИЗ ВОСИТА

Ургут туманида ҳам ёшлар билан ишлаш намунаси ташкил этилапти. Бу борада туман прокуратураси, халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла йиғинлари айниқас фаоллик кўрсатишмоқда. Улар болалар ва ўсмирлар билан беvosита мулоқотлар ўтказишмоқда. Йил мобайнида барча мактаблар ва маҳаллаларда ёшларнинг давра сўхбатлари мунтазам уюштирилди. Унда ҳокимлик вакиллари, ҳуқуқшунослар, элнинг обрўли кишилари қатнашишди.

Туманда тарбияси оғир болаларга янгина муносабат таркиб топмоқда. Эндиликда уларга қуруқ панд-насихат қилинмасдан, улар жамоат тадбирларига, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилапти. Масалан, ўтган йили туман ички ишлар бўлими ҳисобидан турадиган 14 нафар болага корхона, ҳўжалик раҳбарлари шахсан ҳоимий этиб таъинланди. Уларга жамоатчи тарбиячилар ҳам бириктириб қўйилди. Натижалар бу болалардан аксариятининг ҳулқида ижобий ўзгаришлар бўлди. Биз болалар ўртасидаги салбий ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этиш учун курашдан бунинг сабабларини билиш ва олдини олишни муҳимроқ деб билаётишимиз. Шунинг учун ҳулқида нуқсон бор болаларнинг уй шароитлари, мактабдан буш вақтлардаги нима билан шуғулланишини, нимага қўпроқ қизиқишини чуқурроқ ўрганишга киришимиз. Негаки, тарбия йўналиши боланинг қизиқишига қараб белги-ланса, самара кўпроқ бўлади.

ҲАММАСИНИ КАДРЛАР ҲАЛ ЭТАДИ

Тошкент вилоятдаги «Меҳржон» оромгоҳида «Агроистеъдод-2003» ёзги мактаби фаолият кўрсата бошлади. У Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Оила» илмий-амалий маркази каби бир қанча илмий муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилди.



Ангрен шаҳридаги «Йўлчи» болалар оромгоҳида бу йил 960 нафар болалар дам оладилар. Айни пайтда бу ерда хоразмлик 51 на-



фар, қорақалпоғистонлик 22 нафар болалар хордиқ чиқаришмоқда. Уларнинг мазмуни дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Суратларда: оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар. И.ҲАСАНОВ олган суратлар

Н.АМИРОВ, Ургут туман ҳокимлиги хузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби

Ҳаётда шундайлар ҳам борки, улар ўзларига нисбатан нотўғри муносабатда бўлинаётганлиги, муаммолар қўлиги хусусида бот-бот гапиряшди. Бироқ, ўзларининг фаолиятлари синчков назардан ўтказилса, қонунбузарликка йўл қўйишга тўғри келмайди, турли баҳоналарни рўқач қилишди. Шайхонтоҳур тумани солиқчилари савдо шохобчаларида бўлганлариди дунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси назорат қилинганда эгри ишлар фож этилди. Жумалдан, Навоий савдо растанда жойлашган «Мустақил» дуконида уяли телефон билан савдо қилаётган хусусий тадбиркор Абдуфаттоҳ Баратов назорат-касса машинасини четлаб савдо қилишни одат тусига киритган экан. Уша кун 289 минг сўм тушум тегишли равишда қирим қилинмаганилиги, 1,5 миллион сўмдан орттиқ уяли телефон ва гилофларга тегишли ҳужжатлар йўқлиги аниқланди. Ушбу моллар далилий ашё сифатида савдодан олинди.

Қонун барчага баробар

дўконда фаолият юритаётган тадбиркор А.Хайдаров иши билан таъинишганда, у харидорга касса чеки насаида текширувдан ўтказилганда, завод муҳри, давлат солиқ инспекцияси муҳри йўқлиги ҳамда код билан қирим «нол»га айлантирилиши мумкинлиги ошкор бўлди.

НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАСИНИ «УНУТИШИБДИ»

Кўзга шундаки, ушбу тадбиркорга қарашли касса котиби қўздан кеңирилганда, қўнлик пул тушуми 20 минг сўмдан инкассация қилинганлиги аниқланди, шунга асосан дўкондаги назорат-касса машинасига техник хулоса олиш учун тегишли корхонага тадбиркор билан бирга юборилди. Қаранг, унда қатор носозликлар мавжуд экан. Қонунбузарга нисбатан 1 миллион 88 минг сўм жарима солинди. У.Ю.Супов кўчасидаги «Динамо»


Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» мухбири

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМА СПОРТИ



**Ислом КАРИМОВ:**  
*Спорт билан шўғулланадиган ҳар қандай инсон ўзини яхши кўради, ўзини ҳурмат қилади. Бошқача айтганда, ўзини яхши кўрадиган одам спорт билан шўғулланади, фарзандларини ҳам спортга жалб этади. Бунни қўллаб-қувватлашимиз, аҳоли орасида спорт маданиятини юксалтиришга эришимиз керак.*



# ВАТАН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЁТГАНЛАР



«Хеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машхур қила олмади». Бу пурмаъно сўзлар мустақил Ўзбекистон мисолида ўзининг ёрқин исботини топди.

Спортчиларимиз ўнлаб нуфузли халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз байроғини сарбаланд этдилар. Халқ ўйинлари қайтадан кўз очди, миллий спорт турларимиз тан олинди. Масалан, ўзида мардлик ва ҳалолликни мужассам этган аjoyиб спорт туримиз – ўзбек кураши мутахассислар, мухлислар эътибори ҳамда эътирофи сазовор бўлди. Албатта, бу улкан ютуқларда касба уюшма спорт вакилларининг ҳам қатта ҳиссаси борлиги кишига ўз ишидан қониқиш ҳиссини, қолаверса, келгусидаги муҳим вазифаларни муваффақият билан адо этиш учун куч бағишлайди.

Касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жаҳмияти бошқаруви, унинг вилоятлардаги бўлимлари

## ЎЗБЕКИСТОН – СПОРТ МАМЛАКАТИ

томонидан 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастурга асосида иш олиб борилаётган. Меҳнатқашлар ўртасида оммавийликка эришиш мақсадида 5942 та жисмоний тарбия жамоаси ва спорт клуби фаолият кўрсатяпти. 710 минг нафардан ортиқ киши мунтазам равишда соғломлаштиришга йўналтирилган секция ва гуруҳларда шугулланмоқда. 1300 нафардан ортиқ йўриқчи-усулбчи, 967 нафар малакали мурабий фидойилик билан меҳнат қилмоқда. 41 та стадион, 14 та спорт зали, 13 та сузиш бассейни, 52 та спорт майдончалари шугулланувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Миллий терма жамоаларни маҳоратли спортчилар билан таъминлашда 32 минг нафардан зиёд ёшлар тарбияланаётган БЎСМлар муҳим рол

ўйнамоқда. Уларда 1170 нафар ўқитувчи-мурабий 44 та спорт тури бўйича ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Утган йили 15 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 174 нафар спорт устаси, 964 нафар усталикка номзод тайёрланди.

Оммавийликка эришиш учун касба уюшмалари томонидан ҳар йили кўплаб мусобақалар уюштирилмоқда. Наврўз ва Мустақиллик байрамларига бағишлаб ўтказилаётган оммавий спорт тадбирлари, айниқса зўр уюшқоқлик билан ўтмоқда. Кейинги йилларда «Отам, онам ва мен – соғ-

турнирлар голибларидир. Кувонарлиси, уларнинг сафи йилдан-йилга сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. Масалан, ўтган йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган 14-Осиё ўйинларида қатнашган касба уюшма вакиллари 31 та медални кўлга киритдилар. Айниқса, гимнастикачимиз Оксана Чусовитина ҳамда байдаркачимиз Антон Ряхов мусобақа пешқадамларига айланишди. Шунингдек, касба уюшма спорт мактаби ўқувчиси С.Лагунин Белгияда ўтказилган Жаҳон чемпионатида

## ЭВЕРЕСТ ЗАБТ ЭТИЛГАН КУН

1998 йил 22 май куни бутун жаҳон бўйлаб хушxabар тарқалди: Ўзбекистон альпинистлари ер юзининг энг баланд чўққиси – Эверестни забт этдилар. Касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жаҳмияти тарбияланувчилари мамлакатимиз спорт соҳасининг зарҳал ҳарфлар билан беизозларки, бу халқимиз мардлиги, матонати, куч-

қудратининг ёрқин тимсолидир. Дарвоқе, альпинизм ўйингоҳлар ва ишқибозларсиз спорт тури ҳисобланади. Кўп ҳолларда миллионлар эътиборидан биров четда қоладиган бу аjoyиб спорт турида рақиб жамоа ролини она табиат ўйнайди. Табиат инжиқликларини бемисл сабрматонат, маҳорат билан енга олган спортчиларгина юксак чўққиларни



забт этишга муваффақ бўладилар. Шу маънода, альпинистларимизнинг жамоавий тарзда дунё мамлакатлари орасида собиқ иттифоқ спортчилари ва ҳиндистонликлардан сўнг учинчи бўлиб Эверестга Ватанимиз байроғини ўрнатганликлари оламшумул воқеадир.

Кураш билан шугулланишни, гиламда ўз куч-қудратининг намойиш этиши бир умр орзу қилгандим. Касба уюшмалари спорт мактаби мени тоблади. Бу ерда мурабийларим-номдор полковниклардан кураш сир-асоратларини ўргатдим.

## БИЛАГИМДА КУЧ БИСЁР

Илк бора гиламга чиққан куним сира ёдимдан чиқмайди. Қалбимни ҳақон қулгади. Аммо, тинчликка машғул бўлган ўз самарасини кўрсатди. Рақибимни даст қўтариб, курашчи ерга теккюдим. Шу-шу менда ўзимга, ўз кучимга ишонч ҳисси пайдо бўлди. Бу туйғу ёрдамида мана беш йилдирки, маълумият нивалигини билмай келганим. Ҳатто бир қатор халқаро мусобақаларда зафар кўчдим. Мақсадим, сиздарилик қилар орасида биринчи бўлиб мамлакатимиз чемпионлигини кўлга киритиш. Ўйлаётганим, моголарим руҳи кўлаб полков кўз номини дунёга таъйиш кунлари жуда яқин.

Раҳима ЮНУСОВА, миллий кураш бўйича қатор мусобақалар голиби, спорт устаси

## ҒАЛАБА НАЪШИДАСИ

Касба уюшма спортчилари халқаро мусобақаларда зафар кўчиб келишмоқда. Айниқса, Оксана Чусовитина, Антон Ряхов, Баҳодир Курбанов, Дилшод Орипов, Олим Худойкулов, Равил Нечаев, Антонина Москалёва, Надежда Пишулина, Дилшод Мансуров сингари муҳир спортчилар нуфузли мусобақалар – Олимпиада баҳслари, жаҳон кубоги ва чемпионати, қитъа биринчиликлари, Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Да Пишулина, Юлия Борзова (байдарка ва канозда эшак эшиш), Равил Нечаев (сузиш), Алексей Чеглаков (юнон-рум кураши), Дилшод Мансуров (эркин кураш) лар кўксини ҳам мусобақанинг олтин медаллари беади.

МДХ спортчилари ўртасидаги I Халқаро ўсмирлар ўйинларида енгил атлетикачи Светлана Родзевил кумуш медал билан тақдирланди. Д.Хамроқулов шоҳматчилар ўртасида 4-ўринни эгаллади.

Сув спортга ихтисослашган Республика болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Антон Ряхов жаҳон кубогининг Германия ва Польшада ўтказилган босқич беллашувларида 2 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза медалини кўлга киритди. Юлия Борзова эса иккинчи ўрин билан кифояланди. Испанияда ўтказилган Жаҳон чемпионатида уларга биттадан кумуш ва бронза медаллари насиб этди.

Касба уюшма спорт мактаби велоспорт бўлими ўқувчиси С.Лагунин, Белгияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Мазкур мактабнинг яна бир тарбияланувчиси – ёш, иқтидорли боксчи С.Раҳматов жаҳон кубоги ва чемпионати баҳсларида қатнашиб, кумуш ҳамда бронза медалларига лойиқ топилди.



Жанубий Корея. Пусан. XIV Осиё ўйинлари. 18 та спорт тури бўйича қатнашган касба уюшма вакиллари мамлакатимиз спортчилари томонидан жамғарилган 51 та медалнинг 31 тасини кўлга киритишди: 9 та олтин, 9 та кумуш ва 13 та бронза медали. Гимнастикачи Оксана Чусовитина 2 та олтин ва 2 та кумуш, байдаркачи Антон Ряхов 1 та олтин ва 2 та кумуш медаллар соҳибларига айланди. Шунингдек, Антонина Москалёва, Надеж-



## ОРЗУСИ УШАЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР

Ирода Тўлаганова, Оксана Чусовитина, Саида Искандарова, Надежда Пишулина, Антонина Москалёва, Юлия Борзова, Дилноза Арзиматова, Манзура Иноятова... Эҳ-ҳе, бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин. Улар – халқаро мусобақаларда юрт шаънини баланд тутган касба уюшма спортчи хотин-қизлари Олимпия, жаҳон, Европа ва Осиё чемпионлари, халқаро турнир ҳамда мамлакат миқёсидаги мусобақалар голиблари саналади.

Алоҳида таъкидга лойиқ яна бир жихат шуки, ҳозирда 45 нафарга яқин аёл касба уюшмалари Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига раҳбарлик қилмоқда, минг нафардан зиёди эса ёшлар мурабийи, йўриқчи-



улубчи сифатида жонбозлик билан фаолият кўрсатмоқда. Умуман, касба уюшмалари тизимида минглаб оқила аёлларимиз меҳнат қилмоқда.

Касба уюшмалари хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда нафақат кенг қўламадаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда, балки юксак ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳам кўрсатаётир. Ҳар йили бошланғич ташкилотлар, туман, шаҳар, вилоятлар ҳамда республика миқёсида ташкиллаштирилаётган тармоқлар ва тармоқлараро аёллар спартакиадалари анъанавийлик касб этиб, аjoyиб спорт беллашувларига айланмоқда.



Туман тармоқ кўмитамизнинг 5370 нафар аъзоси 98 та цех, 22 та бошланғич касба уюшма ташкилотлари таркибига бирилаган. Асосий вазифаларимиздан бири соҳа ходимларини соғломлаштириш бўлгани боис анъанави айлиб қолган спартакиада беллашувларини оммавий уюшқоқлик билан ўтказишга интиляпмиз.

Набатдаги анъанавий мусобақа кунини Шарғун шаҳарчасидаги 4-, Бобур номи ширкат хўжалигидаги ўйингоҳ, шунингдек, 3-, 7-, 12-, 21-, 27-, 40-, 54-мактаблар спорт мажмуалари байрамона безатилди. Мини футбол, волейбол, кўл тўпи, арқон тортиш, шоҳмат, шашка баҳсларида 800 нафар ўқувчини қатнашди. Ҳафтада кизкарли ўтган беллашувларда, айниқса, Маслак Муслиҳиддинов, Дилафруз Норбоева, Мунаввар Ҳасанова, Парда Наҳангов, Абдуҳалим

Анъана тусини олди Бобониёзов, Абдуҷаббор Фаттоевлар ўзларининг жисмоний тайёргарликлари юқори даражада эканликларини кўрсатди.

Спартакиада якунига кўра умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни 28-мактаб ўқувчилари кўлга киритишди. Кейинги ўринлар эса 26- ва 2-мактаблар жамоаларига насиб этди. Голиб ва совриндор жамоаларга қимматбах оҳдалик совғалари, фахрий ёрликлар топширилди. Бундан ташқари, спартакиадада фаол иштирок этган 35 нафар муаллимга касба уюшма кўмитамиз ҳисобидан 127 минг сўмлик совға-саломлар топширилди.

Ражабали ЭРНИЁЗОВ, таълим ва фан ходимлари Саросиё туман касба уюшма кўмитаси раиси

## ЯҚИН КЎМАҚДОШИМИЗ

«Лочин» футбол жамоамиз тўрт йилдан буён касба уюшмалари Тошкент вилояти биринчилигида қатнашиб келяпти. Биринчи йили вилоят кубоги финал босқичида иштирок этдик. 2001 йилги Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Октош шаҳрида ташкил этилган республика «Олтин бошқоқ» турнирида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик. Бу йил жамоамиз ўз олдига чемпионликни мақсад қилиб қўйган.

Бу ютуқларни кўлга киритишимизда ширкат хўжалиги ва касба уюшма кўмитасининг ҳиссаси қатта бўлмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорлар Бахтиёр Абдизизов, Ғофур Раимов, Абдулхай Орткибоевлар ҳам ўз ёрдамларини аяшмаяпти. Шунингдек, туман ҳокимлиги жорий биринчилик бадалини тўлаб берди.

Шу ўринда туман касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жаҳмияти томонидан кўрсатилаётган ҳамғўрликни ҳам таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Жаҳмият мутахассислари машғуллотлари ўтказишда назарий маслаҳатлари билан қатта ёрдам беришмаяпти. Футболчиларимизни рағбатлантириб боришди. Масалан, яқинда тўрт нафар энг яхши футболчимизга жаҳмият томонидан совғалар топширилди.

Зокир РАИМОВ, Чиноз тумани Навоий номи ширкат хўжалиги спорт йўриқчиси

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ТЕРМА ЖАМОА АЪЗОСИ

Мустақил юртимиз спортчилари истиқлол йилларида қатта зафарларга эришдилар. Айниқса, сув спорти бўйича иқтидорли спортчилар эришган ютуқлар салмоқли бўлди. Биргина XVI Осиё ўйинларида Антон Ряхов, Юлия Борзова, Надежда Пишулина, Равил Нечаев, Антонина Москалёва, Дмитрий Коваленколар муваффақиятли иштирок этиб, терма жамоа жамғармасига бешта олтин, тўртта кумуш, ўн учта бронза медалларини қўшиб қўйдилар.

Касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жаҳмиятига қарашли Республика Олимпия захиралари маҳсуус болалар ва ўсмирлар спорт мактаби юқорида номлари қайд этилган спортчилар тарбияланган, камол топган мактабдир. Бугунги кунда мактабдаги сузиш, байдарка ва канозда, академик ҳамда слаломда эшак эшиш бўлимларида юқори малакали 47 нафар мурабий фаолият кўрсатмоқда. Республикаимизнинг бошқа спорт мактаблари, жумладан, Чирчиқ ва Самарқанд шаҳарларидаги Олимпия захиралари мактаблари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ўқув-тайёргарлик машқлари мактаб ихтиёридаги Хожикент спорт базаси, «Анжор» спорт-соғломлаштириш мажмуи, Митрофанов номидаги сув спорти саройи ҳамда «Чимбой» сув ҳавзасида, шунингдек, Сирғалидаги 110-мактаб ва 17-БЎСМ бассейнида ўтказилади.



халқаро мусобақалар голиблари этишиб чиққанлигидан фахрланамиз.

Ўқув-машқларидан ташқари мактабда ёш авлодни маънан соғлом ва баркамол тарбия этишга жиддий аҳамият берилади. Маҳсуус дастурга биноан ҳар бир мурабий ўз гуруҳида тарбиявий ишларни амалга оширади. Бу ўқув-машқлари билан тарбиявий ишларни бир маромада олиб боришга, ёшларда Ватанга муҳаббат ҳиссини оширишга имкон беради. Бунда мурабийлар — Ю.Серебряков, Р.Давлякминов, В.Сергеев, И.Фаниев, К.Лягин, Т.Лягина, А.Решетова ва директор ўринбосари С.Ивановларнинг хизматлари қатта.

Спортда эришилган ютуқлар ўз мевасини бермоқда. Мактаб тарбияланувчилари Антон Ряхов ва Надежда Пишулина «2002 йилнинг энг яхши спортчилари» рўйхатидан жой олди. Вячеслав Йулдошев эса энг яхши мурабий деб топилди. Шу йилнинг март ойда бўлиб ўтган Жанубий Корея очик чемпионатида сузиш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Р.Нечаев 50 метрга

эркин усулда сузиш баҳсларида олтин медални кўлга киритди. «Тошкент» денгизида ўтказилган байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон қиши биринчилигида А.Ряхов, Д.Стрижков, Ю.Борзова, А.Москалёва, Н.Пишулиналар ғалаба қозондилар. Умуман айти пайтада мактабда 760 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган бўлса, уларнинг 41 нафари миллий терма жамоа аъзолари ҳисобланади.

Айни кунларда мактаб спортчилари миллий терма жамоа сафида сентябр ойда АҚШда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати баҳсларида қизгин таёргарлик кўришмоқда. Бу мусобақа Афина Олимпиядаси йўлланмасини кўлга киритиш имконини беради. Спортчиларимиз орасида Антон Ряхов ва Юлия Борзова бу йўлланмаларга асосий давогарлар ҳисобланмоқда.

А.ЮНУСОВ, «Ишонч» муҳбири

# ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

## ЕТТИ ЁШДАН ЕТМИШ ЁШГАЧА

**Касаба уюшмалари зиммасига кўплаб юмушлар каторида меҳнаткашларни соғломлаштириш вазифаси ҳам юқлатилган. Бу бежиз эмас. Зеро, спортнинг нафақат саломатлик нуктаи назаридан, балки маънавий, иқтисодий, молиявий самараси ҳам бисёрдир. Ўзингиз ўйлаб кўринг: касалликка чалинган ходим муайян муддат ишга чиқмайди. Юмушлари қолиб кетади, махсуслот тайёрланмайди ва натижада корхона бундан келадиган фойдадан маҳрум бўлади. Бундан ташқари, ходимга касаллик кунлари учун нафақа тўланади, беморнинг ўзи ҳам дори-дармонга харажат қилади ва хоказо.**

Кейинги йилларда виллоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти меҳнаткашларни соғломлаштириш борасида бирмунча ижобий натижаларга эришяпти. Хусусан, ўтган йили режага асосан 14 та спартакиада ва мусобақа ўтказилди. Бундан қарийб 5 минг киши, жумладан, 1,5 минг нафар хотин-қиз қатнашди. Бу олдинги йилларга нисбатан анча кўпдир. Бундан ташқари, умумхалқ байрамлари муносабати билан оммавий тарзда энгил атлетика эстафеталари, кураш беллашувлари уюштирилди. Айниқса, Нарвуз байрамига бағишланган спорт тадбир-



мусобақанинг республика босқичида юқори натижа кўрсатишди.

Хозирги кунда виллоят касаб уюшма ташкилотлари ихтиёрида 9 та стадион, 2 та замонавий спорт зали, 3 та сув ҳавзаси, 15 та спорт май-


Бу эса имкониятларни янада кенгайтиради, оммавийликни оширади.

Виллоят касаб уюшмалари тасарруфидида тўртта спорт мактаби фаолият кўрсатапти. Ўтган йили тарбияланувчиларимиздан икки нафари – шашка бўйича З.Субҳонқулов, оғир атлетика бўйича Ф.Маматқулов спорт устаси унвонига эга бўлишди. Б.Фофуров эса

Осиё чемпионати совриндори бўлди. Шунингдек, 29 нафар спорт усталлигига номзод ва ўнлаб разрядли спортчилар етишиб чиқди. Спорт мактабларидида тахриблар мураббийлар ёшларга устозлик қилишмоқда. Шу ўринда, шогирдлари нудузли мусобақаларда муваффақият қозонаётган А.Узоқов, М.Шодиев, Н.Худойбердиев сингари мураббийларнинг самарали меҳнати алоҳида эътироф этиш лозим. Фақат бир нарсадан ташвишдамиз. Гоҳо маблаг етишмаслиги сабабли мусобақаларда қатнашиш учун сафарга чиқиб қийин бўлиб қолмоқда. Бу эса ишининг бир маромда давом этишига салбий таъсир этаяпти.

Бу йилги тадбирларнинг аниқ режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда барча тармоқ меҳнаткашларини қамраб олиш, мусобақаларга барча ёшдагиларни ва оилаларни жалб қилиш назарда тутилган. Айни вақтда шу эзгу мақсад йўлида изчиллик билан иш олиб бораёмиз.

**К.ТОЛИБОВ, Самарқанд виллоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси**



ларида катта оммавийликка эришилди.

Мамлакатимиз талаба-ёшларининг университетда мусобақаларига тайёргарлик дастури доирасида виллоят олий ўқув юртлири жамоалари ўртасида ўтказилган мусобақаларда минглаб ёшлар спортнинг 14 тури бўйича куч синанишди. Фолблар Бухорода бўлган

дончаси бор. Тадбирларни ўтказиш учун мавжуд барча спорт иншоотлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилапти. Шунини айтиш кераки, республика ҳукуматининг болалар спортини ривожлантиришга доир қарори спорт ишларини янги босқичга кўтарди. Барча жойларда спорт майдончалари таъмирланиб, янгилири қурилмоқда.

**Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда касаб уюшмалари зиммасига ҳам катта вазифалар юқлатилган. Хусусан, меҳнаткашлар ўртасида оммавийликка эришиш орқали соғломлаштириш таъминлаш, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш касаб уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳўш, бу масъулиятни юмушни энг оммавий жамоат ташкилоти қай йўсинда удралаб келаяпти? Мухбиримизнинг Сирдарё виллоят касаб уюшмалари Кенгаши раиси Носирхон Акбаров билан мулоқоти ана шу мавзуда бўлди.**

– Сир эмас, Сирдарёда спорт ривож кейинги йиллардагина кўзга ташлана бошлади. Чемпионлар чиқди. Бунда касаб уюшмаларининг ўрни қандай бўлаётми?

– Гапнинг очиги, воҳамизда истеъдодли ёшлар кўп. Аммо, узоқ йиллар уларни тарбиялаш, шароит яратиш беришга панжа орасидан қараб келинганлиги сир эмас. Кейинги беш йилда бу борада туб бурилишлар ясалди, деб айта оламиз. Кўплат жaxon андозаларига мос иншоотлар қад ростлади. «Алпомиш» ўйингоҳи, сузиш ҳавзаси, бокс саройи, ёпиқ теннис кортлари шулар жумласидандир. Мамлакат ва халқаро миқёсдаги беллашувларнинг виллоятимизда ўтказилаётгани ҳам фикримга далил бўла олади. Гулистон шаҳридаги марказий ўйингоҳ касаб уюшмалари тасарруфидида. Ана шу бош майдонимиз талабларга тўла жавоб бера олмаганини хис этдик. Кенг миқёсдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Уриндиклар сони ўн беш мингтага етказилди. Эндиликда бу ерда нафақат маҳаллий, балки мамлакат олий лигасидаги жамоалар тўп суриши имкони яратилди.

Виллоятимизда 1645 та спорт иншооти мавжуд. Уларда 150 мингдан ортиқ ёшлар ўзларини чиниктириш, саломатликларини мустаҳкамлашга мушарраф бўлишяпти. Виллоят ҳокимлиги ташаббуси билан ёшларни янада кўпроқ спорт тўғрисида жалб этиш борасида жиддий чора-тадбирлар кўрилди. Биринчи галда мактаблар спорт макмуаларини тартибга келтириш муҳим вазифа сифатида белгиланиб, бир қатор долзарб қурилишлар бошлаб юборилди. Чунинчи, Сирдарё туманидаги 25-, Шароф Рашидов номи тумандаги 1-, 4-мактабларда спорт заллари, ўйингоҳлар барпо этишга киришилди. Биргина Сирдарё туманидаги 9-мактабда 3 миллион сўмлик спорт анжумалари олиб берилди. «Сирдарёва-той» бирлашмаси маъмурияти ва касаб уюшма ташкилоти ташаббуси билан Гулистон ва Янгиер шаҳарларида спорт макмуаларини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Барча туман-

## САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

ларда ўйингоҳлар, спорт иншоотлари таъмирланиб, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлашга шароит яратиш берилаётми. Бир сўз билан айтганда, бу борада қилинган ишлар кўп.

– Меҳнаткашларни соғломлаштириш иқтисодиёт барқарорлиги кафолатидир. Бу борадаги ишларга ҳам тўхталсангиз?



– Албатта, соғлом кишигина жамиятга ҳам, ўзига, ўз жамоасига ҳам фойда келтиради. 337 та спорт макмуалари меҳнаткашларнинг сеvimли гушасига айланган. Касаба уюшма спорт мутахассислари томонидан 23384 нафар киши турли секцияларда машгулотларга жалб этилган. 6951 нафар киши эса соғломлаштириш гуруҳларида чиниктиришди. Айниқса, аёлларнинг спортга жалб этишга муҳим эътибор қаратилган. 2753 нафар аёл турли спорт машгулотларига, минг нафардан ортиқ хотин-қизларимиз соғломлаштириш машгулотларида қатнашмоқда. Муддао — одамларни спортга жалб этиш орқали соғломлаштириш, улар орасидан иқтидор эгаларини топиш, алоҳида эътибор қаратишдан иборат.

Касаба уюшма спортчилари орасида жaxon, Осиё ва мамлакат чемпионлари кўплаб топилди. Спортнинг армистлинг тури бўйича Умиджон Аҳмедов қаторасига уч қарра жaxon чемпионлигини кўлга кирит-

ди. Шунингдек, академик эшак эшишда Виталий Силаев, Сергей Якубовлар икки қарра мамлакат чемпионлари, Осиё ўйинлари голиби саналашди. Ольга Сибарикова эса синхрон сузиш бўйича китъанинг мутлоқ голиби.

Ешларга спорт сирларини ўргатишда мураббийлар — Курбон Қўни-

шев, Александр Лушин, Алексей Соркинларнинг хизмати беқиёс. Улар минглаб спорт иқтисодчиларидан билим, маҳоратларини ашмаётми.

– Меҳнат жамоалари ўртасида беллашувлар ташкил этилиши катта самара берапти. Бу борада оқсавларга йўл қўётганлар ҳам борми?

– Ҳақли савол. Қатор меҳнат жа-

моалари спорт-соғломлаштиришдан маблағни ашмайди. Уларда ишчилардан иборат спорт жамоалари шаклланиб ҳам улгурган. Масалан, «Сирдарётелеком», Гулистон ёғ экстракция заводи ажойиб футбол жамоаларига эга. Бирок, қурилиш ташкилотларида бу анъана йўқолиб борапти. Кейинги йилларда соҳа бондилари спортни тамомла унуттишди. Соҳадаги 16 та бошланғич касаб уюшма ташкилоти ҳам муросасозлик йўлига ўтиб олган. Энг ачинарлиси, лоқайдлик таъсиридан қутулиш чора-тадбирлари қурилмапти. Виллоят меҳнат жамоалари беллашувларида бунёдкорларимиз ўрни бўш қолаётгани бизни ташвишга солмоқда. Ўйлайманки, тегишли хулоса чиқариш фурсати келди. Зотан, спорт — саломатлик поёни. Унга қанча меҳр қўйсақ, саломатлигимиз хусусида шунча чуқурроқ қайғурган бўла-

**Сухбатдош: Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири**

**Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Андижон виллоят бошқаруви 1998 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Қисқа муддатда чиниктириш ва маҳорат мактабига айланган жамоамиз «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, бирмунча ишларни амалга оширди.**

Жамиятимиз таркибидида 14 та туман, 4 та шаҳар кенгаши ва 5 та олий ўқув юрти спорт муассасалари фаолият кўрсатапти. Мавжуд 613 та жисмоний тарбия жамоаси ва спорт клубларида 83741 нафар ишчи-хизматчи ҳамда талаба-ёшлар шуғулланмоқда. 75744 киши эса соғломлаштириш гуруҳларида саломатлигини тикламоқда.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг шу масала бўйича қабул қилган қароридан сўнг ҳокимликлар, уюшмалар, ҳўжалик бирлашмалари, жамоат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда болалар спортини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Айни пайтда виллоятдаги барча ташкилотлар жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракат кўрсатишмоқда.

7 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабимиз жамоа ҳўжаликлари худудида жойлашган бўлиб, уларда 2224 нафар кишилоқ ёшлари шуғулланмоқда. Андижон ва Асака шаҳарларидаги 1-, 2-, 3-БЎСМларда эса 800 нафардан ортиқ ўғил-қиз маҳоратларини оширмоқда. Улар футбол, бокс, мерганик, энгил атлетика, волейбол, қўл тўпи, эркин ва миллий кураш, дзю-до, стол теннис, академик эшак

## БАЛЛИ, ЕКАТЕРИНА!

Жиззах виллоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли сузиш ҳавзасида сув спорти бўйича таникли мураббий В.Бондоренко хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақада 180 дан зиёд спортчилар қатнашди.

Мусобақанинг биринчи кунидеяк 50 метрлик масофага эркин сузиш бўйича Жиззахлик Екатерина Кондакова 27,8 секунд натижа кўрсатиб, олтин медал соҳибига айланди. Бу билан у спорт устаси талабини бажарди. Касаба уюшма спортчиси мусобақанинг сўнгги кунига кетма-кет бешта медални кўлга киритиб ўз муҳлисларини хушнуд этди.

– Бу каби йирик мусобақаларнинг Жиззахда ўтказилиши яхши анъанага айлиниб бормоқда, — дейди виллоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Муҳиддин Пардақулов. – Негакки, виллоятимизда спортнинг деярли барча турлари бўйича жaxon талабларига жавоб бера оладиган шароит муҳайё қилинган. Биргина мисол: мусобақа ўтказилган замонавий сув ҳавзаси йил давомида ишлаб турибди. Бунда виллоят ҳокимлиги, спорт қўмитаси, касаб уюшмалари Кенгаши ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ўз самарасини бераётгани, шубҳасиз.

**А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири**

## КАСАБА УЮШМА ХОДИМЛАРИ КУЧ СИНАШДИ

Тошкент Давлат Аграр университети спорт макмуаларида пойтахт виллоят касаб уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тармоқ касаб уюшма кўмиталари девон ходимлари ўртасидаги беллашувларда 11 та жамоа энгил атлетика, шохмот, шашка, стол теннис, волейбол, дартс, арқон тортиш бўйича баҳс олиб боришди.

Кескин спорт курашлари остида ўтган мусобақалар натижасига қўра, энгил атлетика бўйича қилгил-энергетика, геология ва кимё саноати, волейбол бўйича — таълим ва фан, арқон тортиш бўйича — соғлиқни сақлаш ходимлари, шашка бўйича — виллоят касаб уюшмалари Кенгаши вакиллари голибликни кўлга киритишди. Шохмот ҳамда стол теннис баҳсларида эса энгил, меҳнат ва коммунал-маиший хизмат ходимларига омад қилиб боқди.

## ҚОРАҚАЛПОҚ АЛПОМИШЛАРИ ВАҚТИ КЕЛИБ ЭЛИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТИШАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси касаб уюшмалари ЖТСЖга қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини айланган эканмиз, кураш мактабидида олиб борилаётган машгулотлар диққатимизни тортди. Худди катта полвонлар каби кураш тушаётган болалар, ўсмир-ёшларнинг чапдаст, моҳирона хатти-ҳаракатлари, очиги, бизни хушнуд этиш билан бирга хайратимизни ҳам оширди.



– Фарзандларимизнинг миллий ва эркин курашга ихлослари жуда баланд. Шунинг учун ҳам машгулотларимизда қатнашиш истагини билдириб келаятган ёшлар қичқилчини ташкил этди. Хозир шогирдларимиз билан 2528-автомобилманнинг спорт залида машгулотлар олиб бораёмиз. Яқинда республика

ринчилигининг беллашувларида Пулат Уразимбетов, Қорақалпоғистон чемпиони бўлиб ўтган баҳсларда Анвар Муҳаммадиев, Бахтиёр Иброҳимов, Салوات Алавиудиновлар биринчи ўринни эгаллашди.

Уларнинг бой тажриба ва малакаларини ёшларга ўргатаётган Жумабой Пирманов, Жумаурад Сейтминов, Урозбой Хўжаев ва Маҳмуд Арзиев сингари устоз-мураббийларнинг нијятлари битта: шогирдлари камолини кўриш. Бинобарин, улар келажакда бу даргоҳдан машхур Эрнар полвон сингари қорақалпоқ алпомишлари етишиб чиқшилар.

**Б.ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири**

тазам ишлаб турибди. Виллоятимизда «Барқамол авлод-2003» спорт мусобақаларига пухта тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказишга касаб уюшмалари ҳам муносиб ҳисса қўшди. Беллашувлар янги спорт иншоотларида зўр кўтаринкилик билан ўтди.

унда Андижон Давлат университети йигитлар жамоаси биринчи ўринни эгаллади. «Саломатлик» дастури асосида Андижон Давлат Тиллар олийгоҳида ўстирилган тармоқлараро беллашувларда эса таълим ва фан ходимлари касаб уюшма қўмитаси жамоаси мутлоқ голибликни кўлга киритди. Мусобақаларда Мирзо Хол-

## МУҲАММАДҚОДИРЛАРИМИЗ БОР!

эшиш, шохмот, шашка сирларини пухта ўрганишяпти. Бу ёшлар касаб уюшмалари, қолаверса, мамлакатимиз спортининг бўлгуси юлдузлари бўлиб камол топадилар, албатта.

Жойларда 19 та ўйингоҳ, 26 та спорт зали, 55 та баскетбол, 397 та волейбол, 27 та қўл тўпи, 91 та футбол, 24 та мини футбол, 4 та ядро отиш майдонлари, 24 та теннис корти, 17 та сузиш ҳавзаси мун-

Соҳага дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишчи-хизматчилар, талаба ва ўқувчи ёшлар ўртасида турли спорт тадбирларини ташкиллаштиришга катта эътибор қаратяпти. Яқинда ана шундай ҳамкорлик натижаси бўй кўрсатди: виллоят спорт қўмитаси, халқ таълими ва мудофаа бошқармалари, «Ватанпарвар» жамияти билан ҳамкорликда энгил атлетика бўйича талаба ва ўқувчи ёшлар ўртасида мусобақа ўтказилиб,

мирзаев, Хуршид Тожибоев, Ира Розаева, Роза Богданова, Элина Тараева, Наташа Асанова, Мухамил Чурин, Аваз Жабборовлар ўз истеъдодларини намойиш этдилар.

Қирғизистон Республикасининг ўш шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича халқаро турнирда, Тошкентда ташкил этилган дзю-до очиб биринчилиги ва бокс мусобақаларида андижонлик ёшлар совринли ўринларни эгаллашди.

Ўтган йили 110 та биринчи разрядли, 14 та нафар усталлик номзод ва 15 та спорт устаси тайёрланди. Ўқ отиш бўйича Наталья Янгилдина, Иброҳим Усмонов республика тарма жамоаси таркибига киритилди. Мураббийлардан Носир Юсупов (эркин кураш), Шухрат Абдуллаев (бокс), Вячеслав Якубович (энгил атлетика), Сурен Чопчианц (ўқ отиш), Роман Титиев (футбол) кабилар ёш авлодни тарбиялаш ва жисмоний чиниктириш йўлида самарали хизмат қилиб келишяпти.

Машхур кўпқат даргаларини доғда қолдириб, жaxon чемпионлигини кўлга киритган таникли боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаевга куч-куват бағишлаган мунжадас замин юртимизга янгидан-янги спортчиларни етказиб беришга шубҳа йўқ.

**К.ГАФФОРОВ, Андижон виллоят касаб уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси**

## ИШДАН СЎНГ ЎЙИНГОҲГА

ҳам муносиб улуши бор. Бугунги кунда виллоят касаб уюшмалари ЖТСЖ 577 та жисмоний тарбия жамоаси ва спорт клубини бирлаштирган. 21 та ўйингоҳ, 9 та спорт зали, 6 та сузиш ҳавзаси, 1298 та турли спорт майдончаларида 73108 нафар киши мунтазам равишда шуғулланмоқда. Улардан 49008 нафари спорт секцияларида, 25 минг нафарга яқин киши соғломлаштириш гуруҳларида жалб қилинган. Тизимга қарашли 3 та БЎСМда эса виллоят меҳнаткашларининг 834 нафар фарзанди 31 нафар мураббийдан спорт сирларини ўрганимоқда. Улар орасида 4-БЎСМ тарбияланувчилари — Нодир Юнусов Венгрияда ўтказилган каратэ бўйича ёшлар ўртасидаги жaxon кубоги мусобақасида голиб бўлган эса, Бобир Юнусов фарли учинчи ўринни эгаллади.

Умуман, виллоят касаб уюшмалари Кенгаши ҳукуматимизнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажара бориб, спортчиларга барча зарур шароитларни яратиш бериш чора-тадбирларини кўрмоқда. 1999-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган дастур

бўйича барча бошланғич касаб уюшма ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва ўқув юртлирида оммавий-соғломлаштириш тадбирлари доимий равишда

Буй йили маҳалла қўмиталари билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланди. Ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда кўплаб беллашувлар ўтказяптимиз. Масалан, Наманган шаҳридаги «Спартак» ўйингоҳида Обод маҳалла йили ва Нарвузга бағишланган мусобақа бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги Сўфизода номи, «Шарқ тонги» ва Давлатболд туманидаги «Мустақиллик» маҳаллалари ёш спортчилари ҳамда касаб уюшмалари қарашли БЎСМлар тарбияланувчилари мини футбол, сузиш ва югуриш бўйича баҳслашдилар.

**Равазхон ДЕХҚОНОВА, Наманган виллоят касаб уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари**

# ФАРЗАНДЛАРИ БАРКАМОЛ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР

Энг бахаво, бетакрор табиат манзараларига эга Чимёнда жойлашган «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида катта спорт тадбири. Майдонда Навоий, Хоразм, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари вакиллари ҳамда «Алгоритм»нинг икки жамоаси аъзолари саф тортиган...

## ВОЛЕЙБОЛНИНГ ЖОЗИБАСИ ЎЗГАЧА

Бу саккизинчи марта қизлар жамоалари ўртасида ўтказилаётган анъанавий волейбол турниридан бир лавҳа. Шунинг билан айтиш жоизки, аввалги турнирларда пешқадам бўлган жамоалар катта майдонларда ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишмоқда. Улар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт ўйинларида қувонарли муваффақиятларни қўлга киритдилар.

— Мусобақа саккизинчи бор катта кўтаринкилик билан ўтказилмоқда, — дейди оромгоҳ раҳбари Йўлчиной Раҳимжонов. — Дарвоқе, ушбу турнирни кичик чемпионат дейиш мумкин.

Шу ўринда оромгоҳда фаолият кўрсатаётган жонқуяр инсонларнинг болалар спортини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Оромгоҳда тез-тез турли мусобақа, турнир ва спартакиадалар ўтказиб турилади. Оромгоҳ раҳбари Йўлчиной Раҳимжоновнинг Тошкент шаҳар волейбол федерацияси вице-президенти эканлиги ҳам ишни намунали йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Бу фидойи раҳбарни доимо болалар орасида учратасиз.

— Дам олиш маскани спорт майдонларининг барча талабларга жавоб бериши билан ҳам бизни беҳад мамнун этмоқда, — дейди оромгоҳда хордиқ чиқараётган 7-синф ўқувчиси Беҳзод Муродов. — Тез-тез бўлиб ўтадиган спорт ўйинлари ҳаммага олам-олам завқ-шавқ бағишляпти.

Дарвоқе, волейбол турнирига қайтсак. Қизгин мусобақалар натижасига кўра финалда «Алгоритм I» ва Наманган вилояти волейболчи қизлари ўзаро беллашдилар. Мезбон волейболчи қизлари голибликни қўлга киритиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди. Наманган вилоятилик қизлар иккинчи, навоийлик волейболчилар учинчи ўрин соҳибаси бўлдилар.

Ҳалилар ва совриндорларга қимматбахо эс-далиқ совгалари топширилди.

М.ДАВРОНОВА

## ИҚТИДОРЛИ ШОГИРД УСТОЗ БАХТИ

Энгил атлетикага ихтисослашган Республика Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактаби ўз фаолиятини бошлаганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин мактаб жамоаси қисқа вақт ичида мактавга лойиқ ютуқларни қўлга киритди.

Мактабда бошланғич тайёргарлик, ўқув-машғулот, малакани ошириш ҳамда юқори маҳоратли спортчилар тайёрлаш гуруҳларида 500 нафардан ортиқ ўғил-қиз энгил атлетика турлари бўйича сабоқ олишмоқда. Машғулотлар 21 нафар олий маълумотли мураббий раҳбарлигида олиб бориляпти. Уларнинг икки нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» фахри ўнвонларига сазовор бўлишган. Ўтган йили С.Радзивил, М.Гарифуллин ва Д.Маштаков спорт устаси талабини бажаришди. 5 нафар усталикка номзод, 12 нафар биринчи ҳамда 175 нафар оммавий тоифали спортчи этишиб чиқди. Энгил атлетика бўйича мамлакат таркибига ўн нафар захирага йиғирма етти нафар ёш спортчи қабул қилинди.

Ўтган ва жорий йилда ёш энгил атлетикачилар кўлаб халқаро ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этишди. Мисол учун, ўсмир ва қизлар ўртасидаги анъанавий мусобақада вакилларимиздан ташқари Марказий Осиё мамлакатларидан ҳам спортчилар қатнашиб, К.Рўзамухаммедов, С.Радзивил, Л.Красинская, З.Исломова, Ш.Қодировлар олтин медал билан тақдирландилар. Жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Осиё мамлакатлари спортчилари иштирокидаги халқаро турнирларда спорт мактаби ўқувчилари совринли ўринларни эгаллашди. Мазкур му-

собақаларда, айниқса С.Радзивил, К.Рўзамухаммедов, З.Исломова, Р.Тарзуманов, Ш.Шарипов, Л.Красинская каби иқтидорли ёшлар муваффақиятли иштирок этдилар.

Республика беллашувларида ютуқлар янада салмоқли бўлди. Ушлаб олтин, кумуш ва бронза медаллари мактаб жамғармасига туҳфа этилди. Тарбияланувчилар, айниқса мамлакат чемпионати ва биринчиликларида, БЎСМлар ўртасидаги мусобақаларда фаол иштирок этишди.

— Маълумки, спорт ишлаб чиқармайди, лекин унинг ишлаб чиқаришдаги аҳамияти бекиёсдир, — дейди РОЗБЎСМ директори, хизмат

кўрсатган мураббий, педагогика фанлари номзоди Клара Шокиржоновна. — Касаба уюшмалари тасарруфида бўлганимиз сабабли ҳам асосий ҳаракатларимиз, аввало соғломлаштиришга, сўнгра ўқувчиларимиз маҳоратини оширишга қаратилган. Мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида бўлимларимиз бор. Хоразм, Навоий ва Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасида филиаллар очиб имкониятини қидиряпмиз. Агарда жойлардаги мутасаддилар бу хайрли ишга бош қўшсалар, айни мисолга бўлар эди. Яна бир гап. Вилоятлардаги филиалларимиз, бошқа энгил атлетика мактаблари ўртасида ҳеч бўлмаганда йилда бир маротаба мусобақа ташкил этиш керак. Ана шунда энг маҳоратли, иқтидорли энгил атлетикачиларни саралаб олиш имконияти пайдо бўлади.



Кези келганда кўпдан буён ўйлантириб келаётган яна бир муаммо тўғрисида ҳам тўхталсам. Сир эмаски, энгил атлетика республикамизда бошқа спорт турлари, масалан, футбол, каратэ, бокс каби кенг оммавийлашмаган. Ваҳоланки, иқтидорли, талантли ёшларимиз жуда кўп. Фикримча, болалар ва ўсмирлар ўртасида энгил атлетика оммавийлигига эришиш учун кенг қўлам-

даги тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш керак. Токи улар бу спорт турининг саломатлик учун, қолаверса, моддий жиҳатдан тўла-тўқис таъминланишидаги катта аҳамиятини англаб өтсинлар.


Жонқуяр мутахассис раҳбарлигидаги спорт даргоҳида таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Ўқувчилар иштирокида суҳбатлар, урчушлар ҳамда театр ва музейларга

саёхатлар уюштириш яхши анъанага айланган. Бу каби тадбирлар иқтидорли натижасини берапти. Ҳозирга қадар тарбияланувчилар ўртасида ҳеч қандай нохуш ҳодисалар содир этилмади.

— Ютуқларимиз ўз ишининг билимдонли, фидойи мутахассисларимизнинг заҳматли меҳнатлари эвазига қўлга киритилмоқда, — дейди спорт мактаби раҳбари мураббийлар меҳнатини эътироф этар экан. — Айниқса, Вячеслав Тягугин, Акбар Зокиров, Надежда Манько, О.Арзуманова, Н.Цветков, Р.Исломов каби мураббийлар алоҳида жонбозлик кўрсатишляпти. Тагин, муваффақиятларни касаба уюшма ташкилотларининг беҳимнат қўмағи билан боғлаш керак.

Ҳа, устоз-мураббийлар учун шогирдлар ютугини қўришдан ортиқ бахт йўқ. Шунингдек, меҳнатга яраша рағбат ҳам кишини янги зафарлар сари чорлайди. Мактаб мураббийлари меҳнати муносиб равишда тақдирланмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владимир Бурматов икки маротаба, 2001-2002 йилларда энг яхши мураббий деб топилди.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» муҳбири



## ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИМИЗ ОЛИЙ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИДА

Футбол мактабимизда 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган 576 нафар бола тарбияланмоқда. Улар 41 та гуруҳга ёшларига қараб ажратилган. Қарши шаҳридан ташқари Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор, Қарши туманларида ҳам катта тажриба ва малакага эга мураббийларимиз иш олиб бораляпти.

Футболда назарий билimler ҳамда жисмоний-тактик тайёргарликлар амалиёт, ўйин давомида пишиб етилади. Шунинг учун ҳам ёш футболчилар маҳоратини ошириш учун тез-тез мусобақалар уюштиришга ҳаракат қилаймиз. Масалан, ўтган йили олти маротаба гуруҳлараро мусобақа, мактаб биринчилиги ўтказилди. Бундан ташқари, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган республика мусобақаларида ҳам қатнашдик.



Ҳозирги пайтда Элёр Рустамов, Камолитдин Кенжаев, Нодир Ҳалимовлар мамлакат чемпионати олий табақасида пешқа-

дамлар сафида бораётган вилоят бош жамоаси — «Насаф» таркибиде муваффақият билан тўп суришмоқда. Яна бир шогирдимиз Михаил Яхнин эса Ғузорнинг «Шўртан» жамоаси асосий таркибидан мумкин ўрин олган.

Иқтидорли ёш футболчилар маҳоратини шакллантиришда Евгений Смирнов, Шомил Жумаев, Константин Смирнов, Собир Ҳайдаров, Фарход Фахридинов каби тажрибали мураббийларимиз хизмати катта бўлмоқда. Шу ўринда футбол мактабимиз вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан доимий равиш-

да ҳам моддий, ҳам маънавий томонлама қўллаб-қувватлаб келинаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, Қарши шаҳридаги гуруҳларимизда спорт машғулотларини кўнгилдагидек ўтказишда «Насаф» ўйингоҳи маъмурияти ҳам беҳимнат ёрдам қўлини чўзмоқда. Умид қиламизки, тарбияланувчиларимиз «Насаф», қолаверса, мамлакат тарма жамоалари сафида ўзбек футбол шўхратини дунёга дoston этакдилар.

Кўзйой САҒДИЕВ, Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари ЖТСЖ футбол мактаби директори

## ЎША ОНЛАР АЛБАТТА КЕЛАДИ

Нукус шаҳридаги футбол мактаби ўқувчилари Мақсад Қуттибоев, Темур Исқандаров, Жондос Аметов, Темур Саидмуратов, Мурод Арзимов, Шодидёр Жамбоев сингари «чарм тўп» усталари билан ҳақли равишда фахрланишди. Негаки, ҳозирда олий лиганинг «Кизилқум», «Самарқанд-Динамо» ва «Гулистон» жамоаларида тўп сураётган бу футболчилар айни шу мактабда илк сабоқларни олишган.

Бугунги кунда футбол мактабиде 366 нафар ўсмир саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда машғулотларда қатнашмоқда. 8 та футбол майдони улар ихтиёрида.


— Шогирдларимизнинг ҳар бири қайси бир жиҳати билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, уларнинг барчаси истеъдодли болалар, — дейди футбол мактаби директори Ғонгелди Мамутов. — Фақат уларга тўғри йўл кўрсата билиш, ўз истеъдодларини намойён этишда

қўмаклашиш керак. Шу мақсадни амалга ошириш учун олий спорт даргоҳларида тахсил олган малакали мураббийларимиз қизгин иш олиб бораляпти.

## УЛАРДАН УМИД КАТТА

Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари оғир атлетика спорт мактабининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёш оғир атлетикачиларга етарли шароитлар яратиб бериш учун кўлаб амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида ўқув-машғулот ишларини юқори савияга кўтариш, жиҳозлар сотиб олиш учун 7 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ўз самарасини бермай қолмади: бир нафар спорт устаси, икки нафар усталикка номзод, 100 нафардан ортиқ оммавий разрядлилар тайёрланди. Ўзбекистон биринчилиги ҳамда республика кубоғи учун бўлган беллашувларда А.Пердибаев ва П.Мендибаев биринчи ўринни эгаллаб, юртдошларининг фахрига айланшди.

Э.БОЛТАБОВ



Суратда кўриб турганингиз болақай энгилгина етти ёшга қадам қўйган. У уч йилдан буён Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ЖТСЖ тасарруфидаги спорт мажмуи кортларида теннис сирларини ўрганмоқда.

— Еркин Зоиров энг ёш, истикболли шогирдларимдан, — дейди унинг мураббийи Александр Ларионов. — У келгусида энг нуфузли халқаро турнирларда зафар қучишига ишончим комил.

Еркиндан «Қайси теннисчиға ҳавас қиласан» деб сураганимизда, россиялик спортчининг юртимизда минглаб мухлислари бор. Ҳа, тенниснинг жозибаси ўзгача.



Навоий шаҳар халқ таълими бўлими маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан белгиланган тадбирларга асосан мактаб, мактабгача тарбия муассасалари ҳамда БЎСМларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув даргоҳларининг билимдон ва малакали кадрлар билан таъминланган шаҳарда қисқа фурсат ичида турли йилдаги доимий спорт машғулотларига 11 мингга яқин ўқувчини жалб этиш имконини яратди. Ўтган йили «Алломиш» ва «Барчиной» жисмоний тайёргарлик тестларини 22 мингдан ортиқ ўқувчи топширди. 1-4, 5-7, 8-11-синф

## ЧИНИҚИШ

Ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақасининг биринчи bosқичи беллашувларида 33963 ўқувчи иштирок этди.

Мазкур тадбирлар мавжуд болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчиларини чиниқтириш, қолаверса, мусобақаларга тайёрлашда мумкин bosқич бўлиб хизмат қилмоқда. Мактабларда 2093 нафар ўқувчи ўз маҳоратини оширмоқда. Уларнинг кўпчилиги юқори разряд мейёрларини бажаришган.

А.ЁРБЕКОВ

Мирзачўлда футбол қанот ёзиб, ёшлар қалбига кириб келганига ҳам анча вақт бўлди. Мана 23 йилдирки, вилоят касаба уюшмалари қарашли футбол мактабиде «миллионлар ўйини»га иштиёқманд ўнлаб ёшлар камолга етмоқда. Айни чоғда бу ерда ўн нафар малакали мутахассис еттига гуруҳга бўлинган 300 нафардан ортиқ ёшларга «чарм тўп» сирларини ўргатишляпти. Тарбияланувчилар кўлаб мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ

## СТАДИОН БЎЛМАГАЧ...

бўлишмоқда. Бундан ташқари, футбол мактабиде камолга етган П.Гизимчук, А.Мочин, Г.Сапаралиев каби тажрибали футболчилар номи мамлакатимиз футбол иштиёқчиларига яхши таниш. Аммо, мана неча йилдирки, БЎСМ нафардан ортиқ ёшларга «чарм тўп» сирларини ўргатишляпти. Тарбияланувчилар кўлаб мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ

ри ҳамда шаҳардаги шохобчаларида ўйингоҳ муаммосига дуч келинмоқда.

— Бирдан-бир оғузимиз ўз ўйингоҳимизга эга бўлиш, — дейди футбол мактаби директори Шавкат Умаров. — Тўғри, касаба уюшмалари бизга барча шарт-шароитларни яратиб беришган. Ҳеч бир камчилигимиз йўқ. Аммо, беҳимнат яшил майдонга ҳам эга бўлсак, нур устига аъло нур бўларди.

Ш.НУРИЛЛАЕВ

Ёш спортчиларнинг маҳоратини ошириш, тажриба ва кўникмаларини шакллантиришда тез-тез мусобақалар уюштириш мумкин рол ўйнайди. Шу сабаб вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ўз тасарруфидаги БЎСМлар ўқувчилари ўртасида анъанавий спартакиада беллашувларини ўтказиб келмоқда.

## МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШИШ ОСОНМАС

Яқинда ана шундай мусобақалардан бири бўлиб ўтди. Катнашчилар минни футбол, энгил атлетика, стритбол, стол теннис ва белбоғли кураш бўйича баҳс олиб бордилар.

Тошкент Давлат Аграр университети тажриба хўжалигидаги 1-БЎСМ ўйингоҳида бўлиб ўтган минни футбол мусобақасида 6 та жамоа иштирок этди. Анча мурасида баҳслар остида ўтган мусобақада мезбон жамоа аъзоларининг қўли баланд келди.

Тўрт жамоа қатнашган қизлар ўртасидаги стритбол баҳслари Олмалик шаҳрида ташкиллаштирилиб, унда Янгийўл шаҳарда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари зафар қучишди. «Спорт маликаси» саналган энгил атлетика мусобақасида эса Бекобод шаҳридаги спорт мактаби жамоаси голибликни қўлга киритди. Шунингдек, стол теннис бўйича 3-БЎСМ, белбоғли кураш бўйича Шарқона кураш спорт мактаби ўқувчилари ўз тенгдошларидан устун эканликларини исбот этишди.

Ҳусниддин МИРЗАЕВ, Тошкент вилоят касаба уюшмалари ЖТСЖ спорт мактаблари директорлар кенгаши раиси

Шифокор тавсияси

Халқимизнинг келажаги фарзандларимизнинг қандай инсон бўлиб...

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Фармони...

ФАОЛ ТУРМУШ ТАРЗИ табиий эҳтиёж

Жорий йилнинг 7-февралда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш...

фа ўсмирга организмнинг қаршилиқ кўрсата олиш лавқатини мустаҳкамлашда ёрдам бериш...

воб берадиган спорт турини танлаш имконини ҳам беради. Шунингдек, бу борада ишлаб чиқилган тавсияномаларга мурожаат қилиш...

Спортга йўналтириш ва спортнинг у ёки бу тури учун яроқли болаларни танлаб олиш мажмуавий муаммо...

Масалан, спортнинг баскетбол, волейбол, кўл түпи турлари мураккаб вазиятда йўналишни тезда аниқлаб олиш қобилиятини, тезкорлик, чақонлик, эпчиллик, мерганлик, шунингдек, мардлик ва зийракликни ривожлантиради...

Мутахассислар ва шифокорлар гуруҳи республикамизнинг географик-иклим зоналари хусусиятларини ўрганиб, ҳудудлар бўйича спортнинг айрим турларини ривожлантириш истиқболлари бўйича тавсияномалар ҳам тузди...

Масалан, 12 ёшга бўлган давр бола организмнинг ривожланишида, айниқса у тез ўсаётган пайтда муҳим давр ҳисобланади. Шу боис жисмоний тарбия суякларни тўғри шакллантиришни таъминлаш, мушак тизимини мустаҳкамлаш ва гавда тузилиши нуқсонларининг олдини олиши керак...

Мутахассислар ва шифокорлар гуруҳи республикамизнинг географик-иклим зоналари хусусиятларини ўрганиб, ҳудудлар бўйича спортнинг айрим турларини ривожлантириш истиқболлари бўйича тавсияномалар ҳам тузди...

Таъкидлаш керакки, айниқса шифокорлар ўсиб келаётган ёш авлод соғлом турмуш тарзини олиб бориши, жисмоний тарбия кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланишидан кўпроқ манфаатдор. Зеро, спорт саломатлик гарови бўлиб, баркамол ўсиш ва ривожланиш учун шарт-шароит яратди...

КОНЧИЛАР ЭЪТИБОРИДА «Зарафшон-Ньюком» Ўзбекистон-Америка қўшма корпорацияси бош директори Келвин Маккидан Навоий вилоят ҳокими, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳокимилик кенгаши раиси Б.Рўзиёва Зарафшон шаҳри, Муратов, Дауғизов, Солнчиний, Сазакчино кўрғонларида болалар спортини ривожлантириш ташкирлаш учун 242,3 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилиши хусусида телеграмма келди...



Бундай хайрилик ишда Навоий кон-металлургия комбинатининг хусуси ҳам кам бўлмаганди...

«СОҒЛОМ ОИЛА»

мусобақаларида спортнинг 11 тури бўйича беллашилди

«Обод маҳалла йили» дастурига мурожаат қилинган «Соғлом оила» спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон босқичи якуни бўлди.

Оилавий спортчилар икки кун давомида спортнинг 11 тури бўйича ўзаро беллашди. Мусобақа финалида шаҳар ва туманларда ғолиб бўлган спортчи оилалар қатнашди.

Барча шартларни юқори даражада бажариб, энг кўп очко тўплаган нуқсуслик Султонов оиласи мусобақа ғолиби деб топилди. Иккинчи ўрин бўзатовлик Арзимбетов, учинчи ўрин қонлиқуллик Мамутов оиласига насиб этди.



ИЛҲОМ РАҲИМОВ - ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Жорий йилнинг ёзи бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси учун омадли келди. Руминия пойтахти - Бухарестда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида спортчиларимиз кучли жамоалар учлигидан жой олиб, битта олтин, битта кумуш ва тўртта бронза медални қўлга киритди.

ри ва Руфат Рисқиев соврини мусобақаларидаги иштироки ва қўлга киритган ғалабалари унга келажакдаги янада масъулиятлироқ беллашувлар учун йўлланма бўлди. 2002 йилда Илҳом Раҳимов чемпион бўлди. Кейин эса мамлакат терма жамоаси таркибидан бир неча халқаро мусобақаларда иштирок этди.

Илҳом Раҳимов бундай ютуққа жадал одимлар билан етиб келди. Ҳаётининг илк чемпионлиги унонига у бешинчи синфда она шаҳри биринчилигида сазовор бўлган эди.

Мамлакатимиз энг юқори кўрсаткичларини шарафли аъёнларини давом эттирган ёш спортчи жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. У 50 килограммгача вазн тоифасидаги ўрта спортчи ичида энг кучли деб эътироф этилди.

Илҳом Раҳимов бундай ютуққа жадал одимлар билан етиб келди. Ҳаётининг илк чемпионлиги унонига у бешинчи синфда она шаҳри биринчилигида сазовор бўлган эди. Бўлажак жаҳон чемпионининг мураббийси Ҳабиб Сулаймонов ўша пайтдаёқ ундаги курашчиларни хусусиятларини кўра билган эди.

«Биз Темирўйлар авлодимиз!», «Олимпиада умидлари-2001» халқаро турнирлари ва Руфат Рисқиев соврини мусобақаларидаги иштироки ва қўлга киритган ғалабалари унга келажакдаги янада масъулиятлироқ беллашувлар учун йўлланма бўлди.

Мамлакатимизда футбол ривожланиб борагани сари халқаро учрашувларни босқараётган ҳакамларимиз савияси ҳам ошмоқда. Бунга Осиё ҳакамлар қўмитаси ўзбекистонлик реферларни нуфузли учрашувларни босқаришга таклиф этаётганидан ҳам билса бўлади.

ҲАКАМЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

Мазкур қўмита мамлакатимизнинг иқтидорли ёш ҳакамларидан Равшан Эрматовни 15-22 июл кунлари Жанубий Кореяда дунёнинг етакчи клублари иштирокида ўтказиладиган «Тинчлик» кубоги баҳсларини босқариш учун таклиф қилди.

«Тинчлик» кубоги турнирида мезбонларнинг «Сеонгам Ильва Чунма», «Олимпик» (Франция), «Бешикташ» (Туркия), «Кайзер Чифс» (Жанубий Африка Республикаси), «ПСВ Эйндховен» (Голландия), «Мюнхен-1860» (Германия), «Насьонал» (Уругвай) ҳамда «Лос-Анжелес Гэлэкси» (АҚШ) жамоалари иштирок этиши кутулимоқда.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, Р.Эрматов 9-15 март кунлари Осиё чемпионлар лигасининг Хитойдаги чорак финал баҳсларида икки учрашувда бош ҳакам вазифасини муваффақиятли уддалаган эди.

(ЎЗА)

КУРАШ: ХОТИРА ТУРНИРИ

Чирокчи туманидаги «Чиял» жамоа ширкат ҳужалигида ёшларни жисмонан чиниктириш, хусусан, болалар ўртасида спорт оммавийлигини таъминлаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда ҳўжалиқнинг Тўқмор қишлоғида танкил оқин Азим баҳши Хўжаев хотирасига бағишланган миллий кураш турнири бўлиб ўтди. Мусобақада ўнлаб ёшлар, ўсмир ва болалар бир неча вазн тоифаларида баҳс олиб боришди. Миллий кураш ихлосмандларида, айниқса Одил Пардаев, Ҳўкир Ҳасанов, Жаҳонгир Қўзиёв, Зафар Хўшвақтов сингари ёш полвонларнинг хатти-ҳаракатлари илҳам таассурот қолдирди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди. Б.БОБОРАҲМАТОВ

(ЎЗА)

ФУТБОЛ БЎЙИЧА XII ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ИККИНЧИ ДАВРА ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

Table with columns for dates (5 August to 1 November) and match results between various teams like Buxoro-Nasaf, Andijon, etc.

Изоҳ: 24 июн кuni Мураббийлар кенгаши томонидан тасдиқланган

### Антон РЯХОВ: ЭЛИНИ УЛУҒЛАМОҚ – ОЛИЙ САОДАТ

Мен 14 ёшимдан бошлаб турли мусобақаларда қатнашиб келаман. Биринчи мураббийим фарғоналик В.Илдошевдан байдарка ва канозда сузишнинг илк сир-синоатларини ўргандим. Кейинчалик касабани уюшмалари тасарруфидоги Республика Олимпия захиралари махус болалар ва ўсмирлар спорт мактабида махоратимни оширдим.



навбатдаги китъа ўйинларида битта олтин ва иккита бронза медалларини қўлга киритдим.

Тинимсиз машғулотлар, мураббийларим ўғити, шунингдек, матонат билан олға интилиш туйғуси мени муваффақиятлар сари қорлади. 1996 йили сув спорти бўйича мамлакат тарма жамоасига қабул қилиндим. Орадан бир йил ўтган Осие чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдим. 1998 йилда эса XIII Осие ўйинларида кумуш медал совриндорига айландим. Афсуски, Сиднейда бўлиб ўтган XXVII Олимпиада ўйинларида омадим юришмади. Лекин кейинги мусобақаларда – жакон кубоги чемпионатларида ўттиш бахсларида бир неча бор зафар кўрдим. Халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришганлигим сабабли 2001 йили мамлакатимиз Президенти Фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» фархрий унвони билан тақдирландим. Бу мени янги чўққиларни забт этишга қорлади. Шунинг учун ҳам ўтган йили Жаңубий Кореяда ташкиллаштирилган

### Надежда ПИШУЛИНА: ОЛҒА ИНТИЛИБ ЯШАШ КЕРАК

Қарийб 10 йилдан буён касабани уюшма тизимига қарашли сув спортига ихтисослашган РОЗБЎСМда байдарка ва канозда сузиш бўйича шугулланиб келаяман. Олий тоифали мураббий Ю.Серебряков ўғитлари, қолаверса, мактаб маъмурияти ва касабани уюшма мутасаддилари кўмаги билан мамлакатимизнинг етакчи спортчиларидан бири сифатида тан олиндим. Хусусан, ўтган йили «Йилнинг энг яхши спортчиси» унвонига лойиқ кўришди. Бу мен учун, албатта катта бахт.



Шу боис ҳам улкан галабаларим ҳали олдинда.

Кўпчилик эришган ютуқларимга ҳавас билан қарар, балким. Тўғри, бир нечта республика мусобақаларида шохсулга кўтарилдим. Миллий тарма жамоа сафида Осие чемпиони (1999 йил)да, жакон кубоги иккинчи босқичи (2000 йил)да, ўсмирлар ўртасидаги

Халқаро Регата бахслари ҳамда сўнги китъа ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга муваффақ бўлдим. Бироқ, шунга қарамасдан, бу ютуқлардан тўла қониқиш ҳиссини туя олмайман. Умуман, инсон ҳар доим олдинга интилиб яшайди, янада юксак чўққиларни забт этишга ҳаракат қилмоғи керак, деб ҳисоблайман.

#### Юлдузларимиз

Бу ютуқларда меҳрибон, шу билан бирга талабчан мураббийларимнинг ҳам катта улуши бор, деб биламан. Чунки уларнинг сабоқлари боис махоратли спортчи бўлиб етишдим, жаконнинг ўнлаб мамлакатларида бўлдим. Лекин шунини алоҳида таъкидлашим керакки, қаерда бўлмайин, тўғрилиқ ўсган она юртим тимсолини топа олмадим. Барча ютуқларимни она Ватанимга бағишлайман.

Алпомишга ватан бўлган Сурхон элининг полволонлари кўп. Улар Алининг майдонига ор-номус учун чиқадилар. Зеро, сурхондорлик полволонларга бу хислат машҳур Давлағазар, Режаб полволон каби мард боболаридан мерос.


## ШИЖОАТИ ЗЎР

Термизлик Рўзи полволон ўтаев нафақат мамлакатимиз, Марказий Осие, балки жакон кураш майдонларида ҳам кураги ерга тегмай ўтди. У ҳар гал бел боғлаб майдонга тушганида кураш илосмандлари унинг махоратига тан беришар, олқишлашарди. Вақт-соати етди Рўзи полволон устоз бўлди. Ўнлаб халқаро мусобақаларда зафар кўчган Эрали Маҳмарасулов, Маҳтумқули Маҳмудов, Олим Худойқуловларга мураббийлик қилди. Қарангки, баъзан Рўзи ўтаевнинг ўғиллари дунда полволон чиқмади-я, деган гаплар ҳам қулоққа ча-

Ўғлининг қатъиятли сўзлари отани сергақландирди. Унинг машғулотларида қатнашиши учун барча шароитни яратиб берди. Сўнг ўғлини вилоят касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидоги БЎСМга бошлаган бори: самбо бўйича мамлакат чемпиони, спорт устаси Рўзи Қўрбоновга шогирд сифатида тошғирди.

...Тўрабой полволон каттакич кураш майдонларида бел олиша бошлаганида ҳам қарийб 6 йил бўлаёзди. Унинг бошқалардан фарқли жиҳати, майдонга галабага бўлган зўр иштиёқ

ҳон ёш самбочилар мусобақасида эса кумуш медал сохибига айланди. У ўзбек кураши бўйича ҳам қатор муваффақиятларга эришган. 2000-2002 йилларда катталар ўртасидаги мамлакат чемпионатида шохсулга кўтарилди. Ўтган йили Хиндистонда бўлиб ўтган Осие чемпионида мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. ... Тўғри, озми-кўпми ютуқларга эришдим. Лекин ҳали олдинда забт этилмаган юксак доволар турибди, – дейди Тўрабой полволон. – Эзгу мақсадларимдан асосий-



Халол!

линиб қоларди. Бу тошга гап, очиги, унга оғир борарди.

Полволонлик қон суради, ота-боболари курашчи бўлганлар албатта полволон бўлади, деган гапда жон бор экан. Рўзи полволоннинг тўртинчи ўғли Тўрабой ўрта мактабининг юқори синфида ўқиб юрганида отасига шундай деди: – Мен сизнинг болангизман. Сўз бераман, кураш майдонларини қизитиб, энг чағдаст полволон бўламан. Ана ўшанда одамлар Рўзи полволоннинг боласи-да, баччағар, дейишарди. Бунинг учун менга кураш жалаги олиб берсангиз бас!

билан тушади, ҳеч ким, ҳатто рақиблари ҳам ўйламаган усуллари қўллайди. Негаки, полволон ўз устидан изланишдан қарчамайди, жисмоний машқлар оғирлигидан қўчмайди. Дарвоқе, айна пайта Термиз Давлат университетиде сабоқ олаётган Тўрабой ёш бўлишига қарамасдан мактанса арзигулик ютуқларни ҳам қўлга киритган. Аввалига уч маротаба самбо бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлган полволон 2000-2001 йилларда китъа биринчилигида ҳам зафар кўчди. Айниқса, 2001 йил Тўрабой учун омадли келди. Испаниянинг Лас-Палмас шаҳрида ўтказилган

си жакон ва олимпиада ўйинлари чемпиони бўлиш!

Дарҳақиқат, Тўрабой ҳозир катта-кичик майдонларнинг зўридир. У эрта-индин жакон ва олимпиада кураш майдонларида юртимиз шаъни, ор-номусини муносиб ҳимоя қилса, ажабмас. ...Кучи билакларига сиғмаган алп йигит кураш тушмоқда. Чағдастлиги, махорати, қолаверса, полволон отасининг дуоси унга куч бағишлайди: рақибни атанган, дея юлдуз санаб қолади. Майдон олқишларга тўлиб-тошади. **Р.ДАВЛАТОВ,** «Ишонч» муҳбири

#### Намунали иншоотлар

Касабани уюшмалари БЎСМлар, спорт клублари, соғломлаштириш гуруҳлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, спортчиларга етарли даражада шарт-шароитлар яратиб беришга муҳим эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда республикамизнинг турли ҳудудларида замонавий ўйингоҳлар, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари бунёд этилиб, мавжудлари таъмирланаяпти. Масалан, ўтган йили Сур-

хондорё вилояти касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидоги «Алпомиш» стадионида олиб борилган кенг қамровдаги таъмирлаш-ободлаштириш ишларидан сўнг иншоот замонавий кўриниш касб этди. Айни кунларда пойтахтимизнинг Яққасарой туманида улкан спорт-соғломлаштириш мажмуи, Самарқанд шаҳрида эса сузиш ҳавзаси қурилишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.

## «ДЕЛЬФИН» СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Сурхондорё вилоят касабани уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли «Дельфин» сузиш ҳавзаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Замонавий тилда бунёд этилган, барча қулайликларга эга сузиш ҳавзаси ўтган йили май ойида, республика кишлоқ меҳнатчилари спартакиадаи очилиши арафасида фойдаланишга топширилган эди.

оммавий мусобақалар ўтказиш орқали вилоятда сув спортини ривожлантириш, аҳолини соғломлаштиришга йўналтирилган. Гапнинг очиги, имкониётларимиз кўп. Мисол учун, ҳавзамизда 6 нафар мураббий иш юритиши керак. Ҳозир шу мақсадда иш олиб бораёмиз. Демак, яқин орада тарбияланувчиларимиз сони 270 нафарга етади. Уларга шунингдек, синхрон ва сув полосида сузишни ўргатиш ҳам ржалаштирилган, – дейди сузиш ҳавзаси мажмуи директори Қурбон Эргашев.

Ҳозирги пайтада бу ерда мураббийлар – Умиджон Худойкулов ва Гузал Жўраева ўз гуруҳларидаги 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга бросс, батерфлей, дельфин ҳамда кўкракда крол ва чалқанча сузиш усулларини ўргатмоқда. Бундан ташқари, Термиз Давлат университетиде талабалари, касб-хунар коллежлари ўқувчилари машғулотларини сузиш ҳавзасида ўтказишмоқда. – Фаолиятимиз махоратли спортчилар трайёрлаш,

«Дельфин»да махоратларини ошираётган касабани уюшмалари тизимидаги спорт мактаблари ўқувчилари келгусида миллий тарма жамоаларимиз сафида Ватанимиз шухратига шухрат қўшадилар. Зеро, бунинг учун етарли имкониёт мавжуд.



## РЕСПУБЛИКА СПОРТ – СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИ

В.Митрафанов номидаги Республика спорт-соғломлаштириш мажмуи сув спорти минглаб ихтисосмандларининг энг сеvimли гўшасига айланган. Зеро, мажмуанинг сузиш ҳавзаларига ҳар кунги олаб тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари таширф буюрадилар.

– Асосий вазифаларимиздан яна бири, – дейди А.Гринберг сўзини давом эттириб, – халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган махоратли спортчиларни тайёрлашдан иборат. Шу мақсадда бизнинг базамизда Болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, Эркин Шағиев, Сергей Кенов, Светлана Бабанова каби олимпиада, жакон ва китъа чемпионлари камол толган ушбу масқандан яна ўнлаб доврақли спортчилар чиқса, не ажаб. **А.БАГИРОВ**

Айни кунларда пойтахтимиздаги олий ва ўрта махус ўқув юрталари талабалари, мактаб ўқувчилари, шунингдек, қатор ташкилот ва муассасалар ишчи-ҳодимлари очик ҳамда ёпик сузиш ҳавзаларида шугулланишяпти. Улар тажрибали мутахассислар кўмағида сузишни ўрганиш билан бирга ўз саломатликларини ҳам мустаҳкамлашмоқда. Бинобарин, мажмуада барча шароитлар мавжуд: очик ҳамда ёпик

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Наманган вилоятида спортнинг кенг оммалашиб бораётганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ўртасида қизгин беллашувлар бўлиб ўтмоқда. Бундай мусобақаларнинг асосий ташаббускори эса касабани уюшмалари эканлиги, айниқса қувончлидир.


Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касабани уюшма вилоят кўмитаси ташкилотчилигида Наманган шаҳрининг Давлатобод туманидаги «Навбахор» ўйноҳида бўлиб ўтган молия ҳодимларининг «Отам онам ва мен – соғлом оила» шиори остидаги беллашувлари кўпчиликда катта қизиқиш ўйғотди. Мусобақа шартларига кўра иштирокчилар илк босқичда спортнинг беш тури бўйича бахслашдилар. Унда Янгиқўрғон туманилик Ҳожиёвлар оилаи энг кўп очко тўлаб, голибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин эса мингбулоқлик Алибоевлар оилавий жамоасига насиб этди.

Мусобақанинг иккинчи босқичидаги мини футбол ўйинларида эса 16 та жамоа иштирок этди. Кескин бахслашувлардан сўнг вилоят молия бошқармаси футбол жамоаси ҳамда Наманган шаҳри ва Норин тумани вакиллари совринли ўринларни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндор оилавий жамоалар, шунингдек, футбол гуруҳлари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,** «Ишонч» муҳбири

## ЧАЙНВОРД



- 1.Касабани уюшмалари сафидан етишиб чиққан теннис юлдузи.
- 2.Куч ва чаққонлик спорти мажмуи.
- 3.Касабани уюшмаларининг вакили бўлган дзюдочи, Хитойда ўтказилган университетда ва Осие ўйинлари голиби.
- 4.Тўпли спорт ўйини.
- 5.Дорбоз мосламаси.
- 6.Автомобиллар пойгаси.
- 7.Стол тенниси бўйича аёллар ўртасидаги мусобақалар голиби, касабани уюшма вакили.
- 8.Отнинг спортча юриши.
- 9.Эришилган энг юқори натижа.
- 10.Касабани уюшмаларининг Сурхондорё вилоятида бунёд этилган сузиш ҳавзаси.
- 11.Боксдаги ҳолат.
- 12.Ракетка билан ўйналадиган спорт.
- 13.Касабани уюшмалари томонидан мунтазам ўтказиладиган спорт мусобақалари.
- 14.Касабани уюшма вакиласи, тазквондо бўйича уч бор Ватанимиз ва Европа чемпиони.
- 15.Тоғ чўққиларига чиқиш спорти.
- 16.Нисонга отиш спорти.
- 17.Миллий спортимиз.
- 18.«Турон» яққакураши бўйича кўплаб таниқли спортчилар етиштирган касабани уюшма спорти мураббийси.
- 19.Мусобақа давомидаги ҳолат.
- 20.Футбол анжومي.
- 21.Ўзбекистондаги энг катта спорт иншооти.
- 22.Бокс майдони.
- 23.Теннис қисми.
- 24.Аёллар ўртасида байдарка бўйича голибликка эришган касабани уюшма спортчиси.
- 25.Спорт саҳнаси.
- 26.Футболда тўпнинг майдонни тарқ этиши.
- 27.Кўп ўринли спорт велосипеди.
- 28.Мусобақа майдони.

#### МУАММОНОМА

Авалло қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очкини ҳал этинг.

1. Мусобақани олиб боруви - 12, 1, 9, 1, 7.
2. Пойганинг бошланиши - 6, 10, 1, 8, 10.
3. Байдарка ва канозда сузиш бўйича аёллар ўртасида Осие ўйинлари ва чемпионати совриндори - 2, 6, 1, 9, 3, 14, 1.
4. Мусобақа, кураш - 5, 1, 15, 13.
5. Таниқли боксчи Муҳаммад Али қизининг исми - 11, 1, 4, 11, 3.

Жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган ибратли сўзларни билиб олинг. **Фозилжон ОРМОНОВ** тўзди

«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» — «Экономический вестник Узбекистана» журналини жамоаси муҳарририят бош хисобчиси Хамза Мардиевга бовиси	Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касабани уюшма Хоразм вилояти факултетида вазиятлар бошқармаси касабани уюшма кўмитаси раиси Шавкат Отажоновга турмуш ўртоғи
Санам аянинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор этади	Отажонов Надежда Петровнанинг бевакт вафоти муносабати билан чукур ҳамдардлик изҳор этади

**ISHONCH**  
Муассис:  
Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.00

Маншумиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютериде терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотува эркин нарҳда.  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.